


## ХII. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

2019 йилнинг январь–мартида чакана савдо товар айланмаси 32 839,4 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 105,9 % ни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 28,0 % га ўсиб, 5 020,9 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 15,3 % ни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг товар айланмаси 2,7 % га ўсиб, 27 818,5 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 84,7 % ни ташкил қилди.

### Чакана савдо товар айланмаси таркиби, % да (январь–март ҳолатига)



2019 йилнинг январь–мартида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади.

Давлат мулки 54,8 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 91,3 % ни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 0,17 % ни ташкил қилди.

Нодавлат мулки 32 784,6 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 105,4 % ни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 99,83 % ни ташкил қилди.

Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 22,5 % ни ташкил этди, Тошкент вилояти 9,9 %, Фарғона вилояти 8,4 %, Андижон вилояти 8,3 % ва Самарқанд вилояти 8,1 % ни ташкил этган бўлса, Сирдарё вилояти 2,0 %, Жиззах вилояти 3,3 % ва Қорақалпоғистон Республикаси 3,4 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

### Худудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши % ҳисобида



2019 йилнинг январь-март ойларида йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмасида ўсиш суръати 128,0 % ни ташкил этди. Ўз навбатида, Сирдарё вилоятида (2018 йилнинг шу даврига нисбатан 2,3 м. га), Қорақалпоғистон Республикаси (99,8 % га), Бухоро (98,4 % га), Навоий (71,1 % га), Жиззах (64,8%), Наманган (58,9 % га) вилоятларида юқори ўсиш суръатлари кузатилди.

Овқатланиш ташкилотларининг чакана товар айланмаси ҳажми 1004,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 3,6 % га ўсди. Чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажмида овқатланиш корхоналарининг улуши 3,1 % ни ташкил этди.

Умумий овқатланиш ташкилотлари савдо айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 42,8 % ни ташкил этди, Тошкент вилояти 10,4 %, Бухоро вилояти 6,8 % ташкил этган бўлса, Сирдарё вилояти 1,4 %, Хоразм вилояти 2,5 % ва Жиззах вилояти 2,7 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

**Чакана товар айланмаси**  
(умумий овқатланишни қўшган ҳолда)

	Жами		Аҳоли жон бошига	
	млрд. сўм	2018 йил январь-мартга нисбатан % да	минг сўм	2018 йил январь-мартга нисбатан % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>32 839,4</b>	<b>105,9</b>	<b>985,7</b>	<b>104,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1 125,1	108,5	600,8	106,9
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	2 736,3	105,8	890,7	103,8
Бухоро	1 905,1	110,8	1 004,1	109,1
Жиззах	1 095,3	105,5	808,1	103,3
Қашқадарё	2 351,4	101,4	730,4	99,3
Навоий	1 301,7	106,9	1 326,8	105,1
Наманган	2 090,8	106,9	758,1	104,8
Самарқанд	2 646,1	105,7	695,2	103,5
Сурхондарё	2 064,5	105,2	801,7	102,9
Сирдарё	671,5	109,2	807,7	107,3
Тошкент	3 267,4	103,9	1 125,6	102,6
Фарғона	2 769,2	105,1	750,6	103,3
Хоразм	1 434,6	111,1	780,4	109,2
Тошкент ш.	7 380,4	106,7	2 932,9	104,7


Чакана савдо товар айланмаси (овқатланиш ташкилотларини кўшган ҳолда) аҳоли жон бошига 4,0 % га ошиб, 985,7 минг сўмни ташкил этди (2018 йил январь-март ойларида 839,6 минг сўмни ташкил қилган эди). Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичларни Тошкент шаҳри (2932,9 минг сўм), Навоий вилоятида (1 326,8 минг сўм) ва Тошкент вилоятида (1125,6 минг сўм), энг паст кўрсаткичларни эса Қорақалпоғистон Республикаси (600,8 минг сўм), Сирдарё вилоятида (807,7 минг сўм) ва Қашқадарё вилоятида (730,4 минг сўм) қайд этди.



2019 йилнинг ўтган даври мобайнида чакана савдо товар айланмаси таркибида овқатланиш ташкилотларининг савдо айланмаси 3,1 фоизни ташкил этиб, 1004,0 млрд. сўмга етди ёки ўтган йилнинг январь-март ойлариغا нисбатан 3,6 фоизга ўсишга эришилди. Бунда жами савдо айланмасининг 86,2 фоиз улуши кичик тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келмоқда.

Шунингдек, умумий овқатланиш ташкилотларининг товар айланмасида йирик корхоналар улуши 12,8 фоизни ташкил этиб, ҳудудлар бўйича кўриб чиқадиган бўлсак энг юқори улуш Тошкент вилояти (22,9 %), Тошкент ш. (19,1 %), ва Бухоро (9,8 %) вилоятларига тўғри қилмоқда.

**Чакана савдо айланмасида  
йирик корхоналар ва кичик тадбиркорликнинг улуши, %**



2019 йилнинг январь-мартида улгуржи савдо товар айланмаси 14 119,3 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 105,7 % ни ташкил қилди. Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 21,9 % га ўсиши кузатилиб, ҳажми 4 347,2 млрд. сўмни ва жами улгуржи савдо товар айланмасида 30,8 % ни ташкил этганини кўриш мумкин.

Хусусан, йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати ўсган бўлсада, айрим ҳудудларда товар айланмасининг камайиши кузатилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмаси ўтган давирга нисбатан 0,2 % га камайиб, 9772,1 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 69,2 % ни ташкил қилди.

## Улгуржи савдо товар айланмаси

	млрд. сўм	Жамига нисбатан, % да	2018 йил январь-мартга нисбатан % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>14 119,3</b>	<b>100,0</b>	<b>105,7</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	289,2	2,0	108,2
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	453,1	3,2	118,5
Бухоро	437,1	3,1	103,4
Жиззах	344,5	2,4	123,1
Қашқадарё	569,9	4,0	104,5
Навоий	416,3	2,9	189,6
Наманган	589,2	4,2	113,3
Самарқанд	1 057,4	7,5	100,4
Сурхондарё	538,1	3,8	109,0
Сирдарё	304,5	2,2	108,1
Тошкент	1 502,4	10,6	98,7
Фарғона	851,7	6,0	109,8
Хоразм	416,2	2,9	162,6
Тошкент ш.	6 349,7	45,0	100,8

## Худудлар кесимида улгуржи савдо ҳажми

(2019 йил январь-март учун)

	Жами (млрд.сўм)	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан % да	Йирик корхоналар (млрд.сўм)	Ўтган йилнинг шу давrigа нисбатан % да	Кичик корхоналар (млрд.сўм)	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>14 119,3</b>	<b>105,7</b>	<b>4 347,2</b>	<b>121,9</b>	<b>9 772,1</b>	<b>99,8</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	289,2	108,2	122,0	128,9	167,2	96,8
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	453,1	118,5	195,7	151,0	257,5	101,8
Бухоро	437,1	103,4	118,9	140,5	318,2	94,1
Жиззах	344,5	123,1	165,4	158,4	179,1	102,0
Қашқадарё	569,9	104,5	259,3	109,8	310,5	100,5
Навоий	416,3	189,6	260,8	369,3	155,5	104,4
Наманган	589,2	113,3	279,0	161,4	310,2	89,4
Самарқанд	1 057,4	100,4	399,2	149,9	658,2	83,6
Сурхондарё	538,1	109,0	171,4	118,9	366,7	104,9
Сирдарё	304,5	108,1	128,1	115,3	176,3	103,4
Тошкент	1 502,4	98,7	894,0	95,9	608,4	103,0
Фарғона	851,7	109,8	216,4	132,8	635,4	103,7
Хоразм	416,2	162,6	212,3	318,0	203,9	107,8
Тошкент ш.	6 349,7	100,8	924,7	93,3	5 425,0	102,2